

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КАВКАЗ ДАВЛАТЛАРИ
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ
БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ**

Хайдаров Алишер Акрам ўғли

Аннотация. Ушбу тезисда Марказий Осиё ва Кавказ давлатларида сўнгги йилларда кузатилган иқтисодий ўсиш тенденциялари, аҳоли турмуш даражаси ҳамда танлаб олинган давлатлар иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига қўшаётган таъсири иқтисодий таҳлиллар орқали ёритиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, минимал истеъмол харажатлари, ялпи ички маҳсулот, аҳоли жон бошига даромад.

Ўтган йилларда дунё иқтисодиётида муҳим ўзгаришлар содир бўлиб, давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, дунё ҳамжамиятида ўз мавқенини мустаҳкамлаш бораси кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар қаторига қўшилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобатбардошликтни ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, норасмий секторни расмийлаштиришни рағбатлантириш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган.

Иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва таҳлил этишда ялпи ички маҳсулотнинг макроиқтисодий кўрсаткич сифатидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулот - мамлакат миллий иқтисодиётининг фаолияти натижасини умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, у иқтисодиётнинг ҳолати ривожланиш даражасини тавсифлайди. ЯИМни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажми иқтисодий ривожланиш даражасини, аҳоли жон бошига истеъмол қилиш эса моддий фаровонлик даражасини ифодалайди. Алоҳида мамлакатлар ёки гурухларнинг иқтисодий ривожланиш миқёслари ва даражалари нисбатини таққослашда ЯИМни бир валютада, бир хил харид қилиш паритети (ХҚП) да акс эттириш талаб қилинади. Шу сабабдан, қуйидаги жадвалларга асосан ХҚП бўйича ҳисобланган ялпи ички маҳсулот миқдорларини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

**Марказий Осиё ва Кавказ давлатларида 2022 йилда ХҚП бўйича
ҳисобланган ЯИМнинг дунё бўйича улуши**

International Conference on Education and Innovation

№	Давлат номи	ЯИМ микдори (млрд.доллар)	Дунё бўйича ўрни	Дунё ЯИМда улуши (%)
1	Ўзбекистон	339,93	57	2,1
2	Қозоғистон	604,75	42	3,7
3	Туркманистон	118,74	92	0,7
4	Тожикистон	48,64	116	0,3
5	Қирғизистон	41,78	127	0,3
6	Озарбайжон	180,81	77	1,1
7	Грузия	74,89	100	0,5
8	Арманистон	52,73	112	0,3
Жами		1 462,3		8,8
Жаҳон		16 453,0		100

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида шуни кўришимиз мумкинки, харид паритети бўйича ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича минтақада Қозоғистон мутлақ етакчи ҳисобланиб ЯИМ микдори 2022 йилда харид паритети бўйича 604,75 млрд долларни ташкил этиб, жаҳонда ЯИМ ҳажми бўйича 42-ўринни эгаллади. Қозоғистондаги ишлаб чиқариш ҳажми дунё иқтисодиётининг 2022 йилдаги 3,7 % қисмини ташкил қиласди. Ўзбекистонда 2022 йилда яратилган ялпи ички маҳсулот микдори 339,93 млрд долларга етган ҳолда минтақа бўйича 2-ўрин дунё рейтингида эса 57-ўринни эгаллаб, ЯИМ улуши бўйича эса 2,1 фоизни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича кейинги ўринда Озарбайжон Республикаси туради. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти микдори бўйича дунёда 77-ўринни эгаллаб, дунё бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,1 фоизига хисса қўшган. Туркманистонда 118,74 млрд доллар қийматдаги ишлаб чиқариш ҳажми яратилиши дунё ялпи ички маҳсулотининг 0,7 фоиз қисмiga тўғри келади ҳамда рейтингда 92-ўринда ҳисобланади. Кавказ давлатларидан бири бўлган Грузия эса дунё рейтингида 100-ўринда туради. Мазкур давлатдаги ялпи ички маҳсулот микдори 74,89 млрд долларни ташкил қилиб, дунё иқтисодиётидаги салмоғи 0,5 % га етади. Арманистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми жаҳон миқёсида 0,3 фоизни ташкил этган ҳолда, бошқа давлатлар билан солиштирганда мос равишда 112,116,127-ўринларни қайд этади.

2-жадвал

**Марказий Осиё ва Кавказ давлатларида 2022 йилда ХҚП бўйича
ҳисобланган ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган микдорининг
дунё бўйича улуши**

International Conference on Education and Innovation

№	Давлат номи	ЯИМ аҳоли жон бошига (доллар)	Дунё бўйича ўрни	Дунё ЯИМда улуши
Дунё бўйича жон бошига даромад микдори (доллар)				20 693,5
1	Ўзбекистон	9 535,6	120	46,1 %
2	Қозогистон	30 820,1	58	148,9 %
3	Туркманистон	14 740	90	71,2 %
4	Тожикистон	4 886,7	141	23,6 %
5	Қирғизистон	5 988,6	134	28,9 %
6	Озарбайжон	17 828,6	86	86,1 %
7	Грузия	20 172,1	77	97,5 %
8	Арманистон	18 965,7	79	91,6 %

Харид қилиш паритети бўйича ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган микдори юзасидан давлатлар кесимида таҳлил қиласак, Қозогистонда 2022 йилда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган микдори 30 820,1 долларни ташкил қилиб, дунё бўйича 58-ўринга тўғри келади. Ушбу давлат аҳолисига тўғри келадиган умумий даромад микдори жаҳон ўртача кўрсаткичининг 148,9 % қисмини ташкил қиласди. Аҳолиси нисбатан кам бўлган Грузия ва Арманистон мос равишда 77 ва 79-ўринларни эгаллаб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад микдори 20 172,1 ҳамда 18 965,7 АҚШ долларини ташкил қилган. Дунё бўйича ўртача кўрсаткичининг ҳам 90 % дан юқори қисмига тўғри келади. Озарбайжонда эса жаҳон кўрсаткичининг 86,1 % қисми мавжуд бўлиб, умумий рейтингда 86-ўринни эгаллайди. Туркманистон Республикасининг ялпи ички маҳсулотининг аҳолисига мос келадиган микдори 14 740 долларни ташкил қилиб, дунн бўйича 90-ўринга тўғри келади. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари эса энг юқори юзталик рўйхатдан тушиб қолиб, мос равишда 120,134,141-ўринларни эгаллашган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 2022 йилда дунё ялпи ички маҳсулоти ҳажми 16 453,0 млрд долларни ташкил этган. Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича эса жами 1 462,3 млрд.сўм микдорда ишлаб чиқариш ҳажми яратилган бўлиб, **жаҳон бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 8,8 фоиз қисмига тўғри келади.** Минтақа бўйича энг йирик ҳажмдаги иқтисодиёт Қозогистон ва Ўзбекистонга тегишли бўлса, Тожикистон ва Қирғизистон эса паст кўрсаткичга эга ҳисобланади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад микдори бўйича эса Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида фақатгина Қозогистонда жон бошига

тўғри келадиган даромад миқдори дунё ахолисига тўғри келадиган миқдордан юқори бўлса, Грузия ва Арманистонда эса жаҳон кўрсаткичига жуда яқин ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. М.А.Маматов. Иқтисодий ўсиш.Ўқув қўлланма.-Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021 йил.
2. <https://www.imf.org>. Халқаро валюта жамғармаси расмий веб-сайти.
3. <https://www.data.worldbank.org>. Жаҳон банки маълумотлар базаси.
4. <https://www.globaleconomy.com>.

